

“Тасдиқлайман”  
Ўзбекистон Республикаси  
Халқ таълими вазири  
ўринбосари



И.Джураев

2022 йил 26 август

Халқ таълими тизимидағи умумий ўрта таълим муассасаларида соғлом  
овқатлантиришни кейтеринг усулида ташкил этиш бўйича  
**ТЕХНИК ТОПШИРИҚ**

Тошкент - 2022

Мазкур техник топшириқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 25 августдаги “Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида жойлашган умумий ўрта таълим муассасаларида соғлом овқатлантириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари түғрисида”ги **472-сон** қарори асосида умумий ўрта таълим муассасаларида соғлом овқатлантириш тизимини белгиланган санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ ҳолда кейтеринг усулида ўқувчиларнинг соғлом овқатлантиришни ташкил этиш мақсадида қўйиладиган талаб ва тартибларини белгилайди.

**Буюртмачи** - Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Хоразм вилояти ҳокимлиги хисобланади;

**Ижрочи** – худудларда масофавий усулда умумий овқатланиш хизматларини кўрсатиш орқали овқатланишни шартнома асосида, етказиб бериш хизматларини кейтеринг ташкилоти сифатида хизмат кўрсатувчи талабгор.

## ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

<b>Ижрочи</b>	<b>Талаб</b>
<b>Ижрочи</b> (кейтеринг ташкилоти сифатида хизмат кўрсатувчи талабгор томонидан тақдим этиладиган хужжатлар)	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Кейтеринг усулида хизмат кўрсатиш учун бино иншоот ва замонавий технологик ускуналар мавжудлиги (кадастр ва техник паспортлар нусхалари);</li> <li>2. Maxsus тайёр овқат ва озиқ-овқат хом ашёларини ташувчи жихозланган автотранспорт (рефрежиратор) воситаларини мавжудлиги (техник паспортлари нусхаси);</li> <li>3. Тадбиркорнинг мева ва сабзавотларни саклаш омборининг мавжудлиги; (кадастр хужжатининг тасдиқланган нусхаси ёки ижара шартномасининг амал қилиш муддати камидан бир йил бўлган);</li> <li>4. Совутгич камераларининг мавжудлиги (техник паспортнинг нусхаси ёки ижара шартномасининг амал қилиш муддати камидан бир йил бўлган);</li> <li>5. Бино иншоотлар ижара асосида фойдаланилган тақдирда ижара шартномаси нусхаси;</li> <li>6. Бино-иншоатлар корхонага тегишли бўлганда кадастр хужжати нусхаси;</li> <li>7. Инсоғиз ижроилар Ягона реестрида қайд этилмаганлик түғрисида маълумотнома (тасдиқловчи хужжат);</li> <li>8. Кейтеринг усулида овқатланишни ташкил этиш бўйича шартноманинг камидан уч ойлик суммасига teng айланма маблағлари мавжудлиги;</li> <li>9. Соликлар ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги; (ДСИ маълумоти)</li> </ol>

	<p>10. Танловда (тандерда) иштирок этиш учун камида бир ой олдин тегишли ташкилотлардан солиқ қарздорлиги, тўловлар, бошка мажбурий тўловлар ва молиявий санкцияларнинг мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумот;</p> <p>11. Санитария конунчилигига риоя этилиши бўйича лабаратория, микробиология экспресс(тезкор) тест назорати хизмати билан тузилган шартнома нусхаси;</p> <p>12. Умумий овқатланиш соҳасида камида З йиллик тажрибага эга бўлишилиги;</p> <p>13. Тўғри овқатланишни ташкил этиш юзасидан таомларни таёrlаш технологияси буйича камида З йиллик иш тажрибасига эга бўлган малакали мутахассисларнинг мавжудлиги (муҳандис-технolog, аллерголог, диетолог, гастроэнтеролог, терапевт врач, ошпазлар);</p> <p>14. Инженер-технология ёки технология хизмати кўрсатувчи ташкилот билан тузилган шартнома; (диплом, тиббий кўрикдан ўтганлиги, ташкилотда ишлаш тўғрисида маълумот);</p> <p>15. Ошпазлар ҳақида маълумот; (диплом, разряд, сертификат, тиббий кўрикдан ўтганлиги ва ташкилотда ишлаётганлиги тўғрисида буйруқдан кўчирма);</p> <p>16. Тайёр овқатларни етказиб бериш учун, сертификатланган маҳсус термо идишларнинг мавжудлиги;</p> <p>17. Коррупцияга йўл кўймаслиги тўғрисида ариза.</p>
<b>Ижрочига кўйиладиган талаблар</b>	Мактабларда соғлом овқатлантириш хизматини кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталиқ ва жамоат саломатлиги хизмати хамда Халқ таълими вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган намунавий мавсумий таомномалар, таом тайёрлаш бўйича технологик карталар асосида ташкил қилиш.
<b>Хизмат кўрсатиши тартиби</b>	Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти мактабларида бир маҳал соғлом овқатлантиришни белгиланган САНПИН меъёрлар асосида етказиб бериш орқали амалга ошириш.
<b>Тадбиркорлик субъектларига кейтеринг хизматларини кўрсатиши учун кўйиладиган талаблар</b>	Кейтеринг ташкилоти ошпазлари томонидан таом тайёрлаш технологик коидаларига риоя килиниши, ва ошпазларни ўрнатилган тартибда малака оширишни назоратга олиш.
<b>Озиқ-овқат нархларининг шаклланиши</b>	Озиқ-овқат маҳсулотларининг ойлик ўртача бозор нархлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгashi ва Хоразм вилояти хокимлигининг ойлик тасдиқланган баённомалар билан белгиланади.
<b>Хизматни бажариш вақти</b>	2022-2023 ўкув йили.

<b>Озиқ-овқат сифатига бўлган талаб</b>	<p>Харид қилинаётган озиқ-овқат маҳсулотлари ва тайёрланаётган таомлар сифатлилиги, фойдаланиладиган технологик жиҳозлар санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мослиги ҳамда етказиб бериладиган озиқ-овқат маҳсулотлари яроқлилиги ҳакида лаборатория хуносаси мавжудлиги;</p>
<b>Хизмат кўрсатиш шартлари</b>	<p>Корақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти мактабларида бир маҳал соғлом овқатлантириш белгиланган САНПИН меъёrlарига риоя этган ҳолда ҳамда тузилган шартнома шартлари асосида амалга оширилади.</p> <p>Кейтеринг ташкилоти тайёр таомларни қадокланган, бир марта ишлатиладиган қутиларда совиткич мосламаси ўрнатилган маҳсус автотранспорт воситаларида мактабларга етказиб бериш.</p> <p>Етказиб берилган қадокланган тайёр таомларни санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофик ўқувчиларга тарқатишни ташкил этиш.</p> <p>Узок худудлардаги мактабларда 5 кунлик таомномадаги маҳсулотларни сафлашни ташкил этиш (рефрежиратор, музлатгич ва хок)</p> <p>Кейтеринг ташкилоти томонидан етказиб берилган қадоқлангандан тайёр таомлар, истеъмол қилингандан сўнг чикиндиларини ўз вақтида утилизация қилиш чораларини кўриш.</p>
<b>Овқатланиш устидан назорат</b>	<p>Вазирлик, Ўзбекистон Аутсорсинг хизматлари кўрсатувчи корхоналар уюшмаси, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг тегишли худудий бошқармаси билан биргаликда кейтеринг ташкилоти томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифати устидан доимий назоратни амалга ошириш ҳамда ўрганиш натижаларига кўра кейтеринг ташкилотини “инсофли ижрочи” ёки “инсофсиз ижрочи” рўйхатига киритиш.</p>



230100, Nukus shahri, Dosnazarov ko'chasi, 62-uy  
Tel.: 0 (361) 222-24-37, 222-95-20, faks: 222-98-30  
web-site: [www.kk.edu.uz](http://www.kk.edu.uz), e-mail: [mno.rk@exat.uz](mailto:mno.rk@exat.uz)

230100, Nókis qalası, Dosnazarov kóshesi 62-úy  
Tel.: 0 (361) 222-24-37, 222-95-20, faks: 222-98-30  
web-site: [www.kk.edu.uz](http://www.kk.edu.uz), e-mail: [mno.rk@exat.uz](mailto:mno.rk@exat.uz)

### Техникалық тапсырмаға қосымша

Қарақалпақстан Республикасы Халық билимлендириў министрлигине қараслы улыўма билим бериў мектеплериндеги баслаўыш класс оқыўшыларын кейтириңг усылында азық-аўқат өнимлери менен тәмийинлеў бойынша, 1 балаға еки ай мұддетке сарыпланатуғын қаржы муғдарында Коңырат районы 3-, 4-, 6-, 7-, 22-, 23-, 24-, 32-, 34-, 37-, 38-, 44-, 48-санлы мектеп балалары ушын өткерилемеди.

Министр



А.Наримбетов

